

Нафс ва уни поклаш

05:00 / 28.02.2017 8431

Қуръони каримда зикр қилинган нафс ҳолатга қараб турли сифатларга эга бўлади.

1. Гоҳида «хотиржам нафс» бўлиши мумкин.

Аллоҳ таоло «Фажр» сурасида: «Эй хотиржам нафс! Роббингга сен Ундан, У сендан рози бўлган ҳолда қайт! Бас, бандаларим ичига киргин! Ва жаннатимга киргин!» деган (27-30-оятлар).

Бундай нафс шаҳватлар ила курашда ғолиб бўлиб, сокинлик касб қилган нафсдир. Шунинг учун, у мутмаъинна – хотиржам нафс деб аталади.

2. Гоҳида «маломатчи нафс» бўлиши мумкин.

Аллоҳ таоло «Қиёмат» сурасида: «Ва маломатчи нафс билан қасам», деган (2-оят).

Маломатчи нафсдан мурод тақводор мўмин кишининг на-фсидир. Чунки у ўз эгасини доимо маломат қилиб (тергаб) туради: гуноҳ иш қилса, «Нима учун гуноҳ қилдинг? Аллоҳдан қўрқмайсанми? Охиратда нима жавоб берасан?» деб маломат қилади. Савоб иш қилса, «Бу оз-ку, кўпроқ қилсанг бўлмайдимми? Қанча кўп савоб иш қилсанг, ўзингга фойда-ку», деб маломат қилади.

Тасаввуф мактабининг машҳур намояндаси Ҳасан Басрий: «Яхши одам доимо ўз нафсини маломат қилиб туради, фожир одам нафсини итоб қилмай юраверади», деганлар.

3. Гоҳида «ан-Нафсул амморатул биссуъи» - ёмонликка амр қилувчи нафс бўлиши мумкин.

Аллоҳ таоло Юсуф сурасида: «Ва ўз нафсимни оқламайман. Албатта, нафс, агар Роб-бим раҳм қилмаса, ёмонликка ундовчидир. Албатта, Роббим мағфиратли ва билгувчи Зотдир», деди», деган (53-оят).

Демак, нафс турли ҳолатларда бўлиб туради. Унинг хотир-жам, маломатчи ва ёмонликка буюрувчи ҳолати бор. Гуноҳ, нифоқ, кибр, васваса, ёлғон, ҳасад каби ёмонликлар туфайли нафс кирланади ва нуқсонга дучор

бўлади. Уни доимий равишда по-клуб ва ўстириб туришга эҳтиёж бор.

Аввал ҳам айтиб ўтганимиздек, нафсни поклаш араб тилида «тазкийтун-нафс» деб аталади.

«Тазкия» сўзи луғатда поклаш маъноси билан бирга ўсишни ҳам англатади. Ўз-ўзидан «тазкийтун нафс» – нафсни пок-лаш ва ўстириш эканини англаб оламиз.

Руҳий тарбия устозларининг таърифи бўйича, тазкийтун-нафс нафснинг турли дардл ва офатлардан покланиши, унинг мақомотларга эришиши ва олий сифатлар ила зийнатланишидир.

Нафсни поклашнинг шаръий воситалари, моҳияти ва сама-ралари бор.

Аллоҳ таоло пайғамбарларига юклаган муҳим вазифалардан бири нафсни поклашдан иборат бўлган. Пайғамбарлар отаси бўлган Иброҳим алайҳиссаломнинг машҳур дуоларида ҳам бу ҳақиқат ўз аксини топган:

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида: «Роббимиз, ўзларининг ичидан уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, китобни ва ҳикматни ўргатадиган, уларни поклайдиган Пайғамбар юбор. Албатта, Сенинг Ўзинг азиз ва ҳикматли Зотсан», деган (129-оят).

Демак, тазкийтун-нафс Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бажаришлари лозим бўлган тўрт муҳим нарса –оятларни уммийларга тиловат қилиб бериш, уларга китобни таълим бериш, ҳикматни ўргатиш ва уларни поклашдан иборат бўлган.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида: «Шунингдек, ичингизга ўзингиздан, сизларга оятларимизни тиловат қиладиган, сизларни поклайдиган, сизларга китобни, ҳикматни ва билмайдиган нарсаларингизни ўргатадиган Пайғамбар юбордик», деган (151-оят).

Ушбу оятда олти муҳим нарса ҳақида сўз кетмоқда. Учинчидан, сизларни поклайди, дейилмоқда. Мазкур ишларнинг барчаси Аллоҳнинг улуғ неъматларидир. Ана ўша муҳим ишлар ичида тазкия ҳам бор.

Аллоҳ таоло «Аълаа» сурасида: «Батаҳқиқ, ким пок бўлса, ютуқ топадир. Ва Роббиси ис-мини зикр қилса ва намоз ўқиса ҳамдир», деган (14-15 оятлар).

Ҳа, охирада ютуққа эришиш, катта оловга кириб куймаслик учун, ашаддий азобда қолмаслик учун ҳар бир банда бу дунёда куфрдан, ширкдан, нифоқдан ва турли гуноҳлардан покланиши, ўз Роббини зикр қилиб, намоз ўқиши шарт. Бу ердаги покланиш ва зикрдан сиз билан биз ўрганаётган ҳақиқат кўзда тутилган.

Аллоҳ таоло «Шамс» сурасида: «Ва нафс билан ва унинг мукамал қилиниши билан қасам. Бас, унга фужурини ва тақвосини билдирди. Батаҳқиқ, ким у(нафс)ни покласа, ютуққа эришди. Ва батаҳқиқ, ким у(нафс)ни кирласа, ноумид бўлди», деган (7-10 оятлар).

Ушбу оятлардан нафсни поклаш динимиздаги энг муҳим ишлардан бири эканини англаб оламиз.